



2020 yil 3 апрел

372-Қ - sonli

Ishtixon sh.

**Фуқаро Қурбонов Орифжонга “Кўтарма” МФЙ
“Кўтарма” массиви худудидан “Савдо дўкони,
тикувчилик ва қандолатчилик цехи” қуриш учун ер
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли “YOSHLAR-KELAJAGIMIZ” давлат дастури тўғрисидаги Фармонини ижросини таъминлаш мақсадида “YOSHLAR-KELAJAGIMIZ” давлат дастурига асосан давлат хусусий шерикчилик асосида фуқаро Қурбонов Орифжоннинг “Кўтарма” МФЙ “Кўтарма” массивида намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар бош режасига мувофиқ қурилиши режалаштирилаётган “Савдо дўкони, тикувчилик ва қандолатчилик цехи” қуриш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасини, туман ҳокимлиги хузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”ни 36-моддасига асосан:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Қурбонов Орифжонга “Кўтарма” МФЙ “Кўтарма” массивида намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар бош режасига мувофиқ қурилиши режалаштирилаётган “Савдо дўкони, тикувчилик ва қандолатчилик цехи” қуриш учун 0.02 гектар ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Фуқаро Қурбонов Орифжонга ажратилган ер майдони бўйича белгиланган тартибда лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлатиш, вилоят шаҳарсозлик кенгашидан тасдиқлатиш, ҳамда Давлат архитектура қурилиш назорат инспекциясидан қурилиш ишларини бошлашга руҳсат олингандан сўнг қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бошлаш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари (Б.Игамкулов)га фуқаро О.Қурбонов билан биргаликда қарорда кўрсатилган, ёшларга ишчи ўринлари ва инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиш, лойиҳани назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

5. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (М.Примов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектору (А.Мурадов)га “Савдо дўкони, тикувчилик ва қандолатчилик цехи” биносини қурилишни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

6. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ер майдонини Давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Ш.Ибрагимов, У.Исламов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов